

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Назира БОЙМУРОВА сурат-лавҳаси.

Болаликнинг ҳар дами фанимат, ҳар лаҳзаси бетакрор

Танловга «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган шiori насосий гоя сифатида ўзида мужас-сам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Такдим этиладиган ижодий ишларда:

мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, истиклол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан катъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканлиги кенг очиб берилган;

ҳалқимиз ўтган даврда ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиклол гояларига садоқатини намойиш этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонгани чуқур таҳлиллар орқали кўрсатилган; тараққиётнинг ўзбек модели мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танлангани, «Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган олижаноб даъват истиклол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратилган;

истиклол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш,

“ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ”

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, “Ўзбекино” Миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндalarини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи – мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуг, энг азий» анъанавий танловига таклиф этади.

хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, мамлакатимизда амалга ошириладиган бунёдкорликлар, қишлоқ аҳлига муносиб турмуш шароитини яратиш борасида амалга ошириладиган улкан ишлар ўз аксини топган;

ҳалқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётгани, юртимиздаги миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳити, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатининг миллий манфаатларга жавоб берадиган стратегик устувор йўналишлари, “Обод турмуш йили” Давлат дастурининг ижобий самаралари

ифодаланган бўлиши зарур.

“Энг улуг, энг азий” танлови куйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга такдим этилган ижодий ишларга куйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Оилавий корхона очганга қандай имтиёзлар бор? 2

Никоҳ ёшига етмаган шахснинг ҳақ-ҳуқуқи бузилса..... 3

Зухриддин Исомиддинов: Бугун айрим хонадонларда ОТА СЎЗИ етишмаяпти!..... 4

Хўжаймқонини кўрмабсиз..... 5

Қизлар соппа-соғ, келинлар-чи? 6

Яна... чойнинг фойдаси ва зарари хусусида 6

Севги-муҳаббат тошни эритармиш 7

Мардлар майдонга тушди 8

Аҳмаджон – Осиё чемпиони 8

Диққат, танлов!

- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғлиниш телефонлари.

Танловга 2012 йилнинг 1 августидан 2013 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов голиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар “Энг улуг, энг азий” танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,

Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси.

Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти ривожига эътибор қаратилаётганини аниқ бозорни рақобатбардос ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини ва фаровонлигини ошириш муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни тадбиркорлик фаолиятининг қамровини кенгайтириш билан бирга, «Оилавий тадбиркорлик» тушунчасининг янги шаклини очиб берди.

Мазкур қонунда оилавий тадбиркорлик фаолиятининг юридик шахс ташкил этган ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб берилди. Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхона ҳисобланади. Оилавий корхона иштирокчилари — оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилияти ёшга тулган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши

ОИЛАВИЙ КОРХОНАЛАРГА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

мумкин. Фақат улар бир вақтнинг ўзидagina бир нечта оилавий корхона иштирокчиси бўлишига йўл қўйилмайдиган. Шунингдек, давлат органларининг мансабдор шахслари ҳамда қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар ҳам оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин эмас.

Шунингдек, оилавий корхона иштирокчиларидан бири унинг бошлиғи бўлиб, унга оилавий корхонанинг барча иштирокчилари бир овоздан иш муомаласида ўз номларидан иштирок этиш ҳуқуқини беради. Оилавий корхонанинг устав фонди корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар тақдим этиладиган санадаги қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Оилавий корхона иштирокчиларининг ва унинг ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас. Бунда оилавий корхона иштирокчиларининг энг кам сони икки кишидан оз бўлмаслиги керак.

Эътибор бериш лозимки, оилавий

корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган турар-жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш, хўжалик бинолари ва бошқа иморатлар оилавий корхона фаолияти амалга ошириладиган жой ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни нақд пуллик ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича реализация қилиши, маҳсулотини реализация қилиш учун ишлаб чиқарилган жойда амалга оширилиши мумкин. Оилавий корхона турар-жойдан бир вақтнинг ўзидagina унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Оилавий корхоналар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона солиқ тўлови тўловчиси ҳисобланиб, уларга кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назар-

да тутилган солиқ имтиёзлари, преференциялар ва қарорлар тадбиқ этилади. Оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди. Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади. Бундай буюмларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган.

Қонунга кўра оилавий корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта амалга оширилади. Янги ташкил этилган оилавий корхонанинг молия-хўжалик фаолияти у давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилмайди.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати.

Иқтисодий ислоҳот

ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК: Фаровон турмуш мезони

Мамлакатимизда «Обод турмуш йили»да аҳолининг барча қатламлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг мулк ҳуқуқига бўлган эътиёжларини қондириш ҳамда хусусий мулкчиликни янада ривожлантириш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусий мулк ва унинг асл моҳияти, аввало, қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган асосий масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 207-моддасида: «Хусусий мулк ҳуқуқи шахсининг қонун ҳужжатларида мувофиқ тарзда қўлга киритган ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулк бўлган мол-мулк миқдори ва қиймати чекланмайди», дейилади.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 209-моддасида қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкинлиги таъкидланган. Шундай экан, мамлакатимизда хусусий мулкчиликни қўлга киритиш асослари ва тартиби қонуний асосда тизимлаштирилганлигини кўриш мумкин. Фуқаролар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ишларини жадал ривожлантириш натижасида юртимизда кўплаб кўчмас мулк объектлари хусусийлаштирилди. Яроқсиз хўлатга келиб қолган бино, иншоотлар, ярим чала битган ҳамда узок муддат фойдаланилмаётган турли объектлар фуқаролар томонидан қурилиб, обод қилиниб, турли хил мақсадларда хусусийлаштирилди. Ва натижада давлат томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиши муносабати билан фуқаролар томонидан мақсадли йўналишларда фойдаланиб келинмоқда.

Қонунчилигимизга биноан, фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлган бошқа юридик шахслар хусусий мулкнинг субъектлари сифатида фаолият олиб боришлари мумкин. Улар томонидан кўчмас мулкларни хусусийлаштириш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этиш асослари қонуний тартибга солинган.

Лекин айна бир пайтда, айрим фуқароларимиз томонидан мол-мулкни хусусийлаштиришга эътиборсизларча қараш, баъзи расмиятчиликларга тоқат қилмасдан ҳаракат қилиш натижа-

сида айрим жой ва иншоотлар давлат рўйхатидан ўтказилмасдан ҳам ўзбошимчилик билан хусусийлаштириб олинмоқда ва ушбу ҳолат қонуний тартибда низоларга сабаб бўлмоқда.

Ана шундай ҳолатларга чек қўйиш ҳамда аҳолига қулай шароит яратиб бериш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан хусусий мулкчиликка қаратилаётган юксак эътибор намунаси сифатида жойларда қад ростлаётган янги турар-жойларни алоҳида эътибор этиш аҳамиятли. Ҳаттоки, ушбу турар-жойлар нафақат шаҳар жойларида, балки қишлоқ жойларида ҳам қурилиб, сифатли тарзда фойдаланиш учун топширилаётганлиги қувонарли ҳол.

Фикримиз далили сифатида 2013 йилнинг 4 январида «Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил дастури тўғрисида»ги Президент қарорини келтиришимиз мумкин. Ушбу қарорда қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектура-режалаштириш қиёфасини янада яхшилаш, намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш, қишлоқда транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини жадал ривожлантириш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида хусусий мулкчилик учун қулай муҳит яратиш бериш назарда тутилганлиги эътиборга лойик.

Бундан ташқари, ушбу қарорда белгиланган мақсад ва вазифаларни бажариш юзасидан, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишини молиялаштиришни тартибга солиш ва сифатли қурилиш материаллари билан узлуқсиз таъминлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни самарали бошқаришни таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 1 май куни Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Эндиликда, республикамизнинг барча ҳудудларида фуқаролар ўз ҳудудларидаги уй-жойларга, фойдаланилмаётган турли хилдаги объектларни маълум ва манфаатли мақсадларни кўзлаб хусусийлаштиришлари, фойдаланишлари ва ўз навбатида тасарруф этишлари мумкин.

Людмила КИМ, Наманган вилояти Учқўрғон тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси.

Оққўрғонда намуна оилалар сони йил сайин ошиб бораётгани кузатилмоқда. Бундай қувончли ҳолатнинг сабаблари турлича. Аввало, бундай муваффақиятларга эришишда юртимиздаги тинчлик ва осойишталик асосий омил бўлаётган бўлса, қолаверса, маҳаллаларда ҳукм сураётган ҳамжиҳатлик ва аҳиллик кўпчиликини қувонтирмоқда. Шу боис ҳам одамлар бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш билан бирга, фаровон, тўқис яшаш йўлини танлашапти.

— Бизнинг ҳудудда яшаётган Анвар Нишонов ва Кумушой Кабировалар оиласига кўпчиликининг ҳаваси келади, — дейди Ҳамза маҳалласи оқсоқоли Нурали Аҳмедов. — Бу аҳил ҳуфтлик беш нафар

САОДАТЛИ КУНЛАР ҚАДРИ

фарзандни ибратли тарбиялаш орқали бошқаларга ҳам намуна кўрсатмоқда. Ўзлари ҳам маҳалламизнинг энг фаол аъзоларидан. Тўй-томоша, маросимларни кўнгилли ўтказишда ҳамisha бош-қош. Кўлларида келган ёрдамни аяшмайди. Айниқса, уларнинг фарзандлари ҳам ота-онасининг изидан келишапти.

— Шундай хонадонга келин бўлиб тушганимдан фахрланаман, — дейди болалар шифокори бўлиб, эл қорига яраётган келини Барчиной. — Қайнота, қайнонали келин энг бахтли инсон бўлишини мен ўз ҳаётим мисолида кўриб турибман. Бу дуоғўй кексаларнинг умр йўллари ҳам



қанча ҳавас қилсак арзийди. Биз ҳам умр йўлдошим Наим ака билан насиб этса, худди ана шундай мазмунли, саодатли умр кечирмоқни орзу

қиламиз. Фарзандларимиз Отабек ва Жавлонбекдан умидимиз катта.

Оиланинг ўртанча фарзанди бўлиш Ферузахон онаси

И б р а т

Кумуш опанинг касбини эгаллаган — Агробанқда бош мутахассис бўлиб ишлаяпти. Кенжа ўғил Бахтиёржон эса божхона хизматида.

— Мустақиллик Шарофати тубайли бизлар ўтган йили муборак ҳаж сафарига бориб келдик, — дейди Анвар ака Нишонов. — У ёқда ўзбекистонлик зияратчиларга кўрсатилган эътиромдан бошимиз осмонга етди. Бошқа давлатлардан келганлар бизларга ҳавас қилишди. Бундай ёруғ ва дорилмон кунларнинг қадрига етмоғимиз керак. Ана шундагина бизнинг оптимиздан келаётган фарзандларимиз ҳам бахтли яшайди.

Ҳамид МУСОҚОВ, Оққўрғон тумани.

Янги қабул қилинган Оила кодексига Ўзбекистон қонунчилигида янгилик бўлган — никоҳ шартномаси, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказилиши, алиментлар тўлаш тўғрисида келиши, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга тааллуқли ва бошқа шу каби муҳим нормалар киритилдики, бугунги кунда мазкур нормалар амалиётда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Оила кодекси қабул қилингандан кейинги ўтган давр мобайнида 14 дан ортиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги ҳам оила институтига мунтазам равишда эътибор берилётганидан далолат беради.

Бугунги кунда, сир эмаски, баъзи ота-оналарнинг ҳуқуқий онги, сиёсий маданияти етарли эмаслиги, айрим ҳолатларда қонунга бўйсунмиш ва унга ҳурмат руҳидаги тарбияси суғулиги ёхуд фарзандларининг ноўрин хатти-ҳаракатлари учун жамоатчилик назаридан қутулишнинг ягона йўли сифатида, аксарият ҳолларда эса бу каби қонунбузилишлар учун жавобгарлик белгиланмаганлиги сабабли никоҳ ёшига етмаган қизларни турмушга бериб юбориш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Бундан ташқари қонунчиликда никоҳ ёшини камайтиришга рухсат этиладиган узрли ҳолатларнинг қатъий рўйхати белгиланмаганлиги ҳам эрта турмуш қуриш сабабларидан бири эди.

Маълумки, эрта турмуш қуриш она ва боланинг соғлиғига жиддий пўтур етказиши ва салбий оқибатларнинг хавфини оширади. Шу билан бирга ногирон ва бошқа жисмоний нуқсонли бўлган болалар туғилишига, гўдақлар ва оналар ўлимига ҳам олиб келиши мумкин.

Амалдаги Оила кодексига кўра шу вақтгача фарзандликка олиш масаласи ҳокимлар томонидан амалга оширилиб келинаётган эди. Афсуски, ҳокимлар томонидан бу масала кўрилатган пайтда ҳамма вақт ҳам боланинг манфаатлари тўлиқ ҳисобга олинмапти деб айта олмаймиз. Бунга албатта етарли асослар ҳам мавжудлигини инкор этмаслик лозим.

Агар расмий маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2011 йилда 3172 та фарзандликка олиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган бўлса, шундан 56 таси суд томонидан бекор қилинган. 2012 йилнинг 9 ойи мобайнида 2451 та қарор чиқарилган бўлса, уларнинг 42 таси турли сабабларга биноан бекор қилинган. Аслида, бу муаммонинг муҳим масала эканлигига эътибор қаратадиган бўлсак, бизнинг назаримизда бу каби салбий ҳолатларнинг қайиди этилишининг ўзи гоят ачинарлидир. Чунки ҳар бир бекор қилинган қарор ортида биз учун азиз ва муҳтарам бўлган, эртамиз эгалари ҳисобланган фарзандлар тақдирини турибди. Амалиётдаги бу ҳолат ўз-ўзидан ушбу соҳадаги ишларни тубдан қайта кўриб чиқиш, бола манфаатларини ҳимоя қиладиган қаноқатли назарда тутиш ва фарзандликка олиш масаласини ҳал қилаётганда хатога йўл қўйилишини истисно қиладиган чора-тадбирларни кўришни давр тақозо этаётганлигини исботлади.

Жаҳон тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак ҳам айнан фарзандликка олиш масаласи суд тартибидега кўриб чиқилаётганининг гувоҳи бўламиз. Айнан юқоридаги ҳолатлар бугунги кунда Оила институти янада ривожлантиришни, шу билан бирга никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишлик борасида маъмурий, жиноий жавобгарликни белгиловчи нормаларни ўзидега ақт этирувчи миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштиришни талаб этади.

Шу сабабли фарзандликка бериш институти янада мустаҳкамлаш, уни

ривожлантириш, ёш авлоднинг баркамол ривожланишини таъминлаш, болаларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, эрта никоҳларнинг салбий оқибатларини олдини олиш мақсадида, жорий йилнинг 30 апрелида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал

никоҳ тузиш маросимини ўтказганлик учун энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлувчи комплекс тарздаги маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Агар мазкур қилмиш маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилса, албатта жиноий жавобгарлик тортилди. Шу сабабли жиноят кодексининг Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш деб ном-

ОИЛАНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ



кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институти такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар ўз аксини топган.

«Оила» кодексининг 15-модда 2-қисми янги тахрирда берилди. Амалдаги тахрирда узрли сабаблар бўлганда, алоҳида ҳолларда никоҳ ёшини туман, шаҳар ҳокими кўпи билан бир йилга камайтириши мумкинлиги белгиланган бўлиб, никоҳ ёшини камайтиришга рухсат бериладиган ҳолатларнинг аниқ рўйхати берилмаган эди. Бу эса амалиётда никоҳ ёшини камайтиришга рухсат бериладиган ҳолатларни кенг маънода шарҳлашишга олиб келар эди. Шуни эътиборга олган ҳолда фақат 3 та, яъни ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация) ҳолатларидагина никоҳ ёши бир йилга камайтирилиши мумкинлиги белгиланди.

Мазкур Қонуннинг 2-моддасига кўра Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш деб номланган 47³-модда билан тўлдирилди. Унга кўра:

1. Никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришганлик учун энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга;

2. Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига тўлмаган болани эрга берганлик ёхуд уйлантирганлик учун энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга;

3. Никоҳ ёшига етмаган шахс билан диний расм-русумларга биноан

ланган 125¹-модда билан тўлдирилди.

Мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқиш тааллуқлилиги нўқтаи назардан жиноят ишлари бўйича судлар томонидан белгиланаётганлиги сабабли Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддаси биринчи қисми «47²» рақамидан кейин «47³» рақами билан тўлдирилди.

Шунингдек, Жиноят кодексининг жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги берилган 17-модданинг тўртинчи қисми 129-рақамидан кейин «125¹» рақами билан тўлдирилди.

Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунмиш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришининг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади.

Мана шу нўқтаи назардан қаралганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши, биринчидан, вояга етмаган қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Иккинчидан, таълимнинг мажбурийлиги ҳақидаги талабларни амалга татбиқ этиш, жамиятда аёлларнинг ҳуқуқий мавқеини мустаҳкамлаш шу билан бирга аҳолининг репродуктив санолатлигини яхшилаш имконини беради.

Учинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, қонунга бўйсунмиш, уни ҳурмат қилиш ҳиссини оширишга ҳамда қонун устуворлигини янада оширишга хизмат қилади.

Долзарб мавзу

Оила кодексига асосан учта йўналишда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди:

1. Оила кодексининг 17-моддаси янги тахрирда берилди. Унга киритилган янгилик шундан иборатки, эндиликда нафақат эллик ёшдан ошган никоҳланувчи шахслар тиббий кўриқдан ўз розилиги билан ўтказилади. Балки мазкур кодекснинг 13-модда бешинчи қисмида кўрсатилган алоҳида ҳолларда, яъни никоҳланувчи шахснинг ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқаларда ҳам тиббий кўриқдан ўтиш уларнинг ўз розилиги билан амалга оширилиши белгиланди.

Модданинг янги тахрирда қабул қилиниши биринчи навбатда кодекснинг 13-моддаси ва 17-моддасини мувофиқлаштирди. Шунингдек, амалиётдаги айрим муаммоларнинг ечимини топишига хизмат қилади.

2. 107-моддаси янги тахрирда берилди. Унга кўра болаларни тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қароридан ота-онадан муассасага ундириладиган алимент эндиликда бола номига очилган банк ҳисоб варағига ўтказиб борилиши назарда тутилган. Йигилган маблағни бола вояга етганда тўланиши, болалар тарбия муассасасини таъминлагач, вояга етган битирувчи ўзининг янги ҳаётини бошлаши учун маълум миқдордаги шахсий маблағга эга бўлишини таъминлайди ҳамда уларни маънавий қўллаб-қувватлашга ҳам ҳуқуқий асос яратади.

3. Фарзандликка олиш тартибини белгиловчи амалдаги 151, 155-моддалар, 159-модданинг учинчи ва тўртинчи қисмлари янги тахрирда қабул қилинди. Шунингдек, фарзандликка олиш судга олиб берилиши муносабати билан бир қатор тегишли моддаларга ҳам ўзгартишлар киритилди.

Албатта, фарзандликка олиш масаласи судлар зиммасига юклатилгандан сўнг, бу ҳақдаги аризаларни топириш ва расмийлаштириш, ариза мазмуни ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар, мазкур турдаги ишларни судда кўришга тайёрлаш ва кўриш каби процессуал ҳаракатларни белгиловчи бир қатор моддаларни ичига олган алоҳида 31¹-боб ФПКга ҳам киритилди.

Фарзандликка олиш бўйича ишларни кўриб чиқиш ваколатини туман-шаҳар ҳокимидан судларга олиб берилиши ва у борадаги ишларни кўриб чиқиш бўйича процессуал тартибни белгиловчи нормаларни ўз ичига олган 31-бобни Фуқаролик процессуал кодексига киритилиши, болалар ва фарзандликка олувчиларнинг ҳуқуқларини суд томонидан ҳимоя қилинишини таъминлашга, фарзандликка олишнинг сир сақлалишига риоя этилишига ва қонун ҳужжатларини бузилишининг олдини олишга хизмат қилиши билан жуда муҳим ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, болаларни фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда ҳоким кўпинча фарзандликка олувчилар билан шахсан учрашган ҳолда, васийлик-ҳокимийлик органлари томонидан тайёрланган материаллар бўйича тасаввурга эга ҳолда қарор чиқарар, кўп ҳолларда ҳоким қарори бекор қилинар ёки ҳақиқий эмас деб топилар эди. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши мазкур ҳолатларнинг, оила институти янада мустаҳкамланишига ҳамда ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ойша АХУНОВА,
Ҳафиза КАРИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутатлари.



— Зухриддин ака, оила — муқаддас кўрғон, деймиз. Фарзандларга тарбия беришда эса она халқимизгагина хос бўлган гўзал ва ибратли усуллар бор. Бугунги кунда тарбия мезонларимизга салбий таъсир кўрсатадиган омиллар пайдо бўла бошлади ва унинг тўлкинлари ҳар бир хонадонга-да кириб бормоқда. Бу ҳолат халқимизнинг фарзандлар тарбияси борасидаги қадим қадриятларига шикаст етказмаётганмикин?

— Бир пайтлар адабиётимиз даргаларидан бири Гафур Фулом ўзининг туркум мақолаларида миллатнинг тарбиясига оид масалаларга тўхталиб ўтганди. “Жомаси пок, ўзи нопок бандалар” деган мақола-сида ўзбек халқининг удумлари, тутумлари ҳақида гапиргани. Айтилик, шомда уй супурмаслик, супургини тикка қўймаслик ҳақидаги фикрларга ҳам устоз шоиримиз изоҳ берган. Супурги тикка қўйилса, қийшайиб, тезда ишдан чиқади, шомда уй супурганда эса нина, тугма каби керакли нарсалар чиқинди бўлиб, ахлатга қўшилиб кетиши мумкин. Уша йилларда ўзбекчиликка оид нимаики бўлса, у албатта эскилик сарқити, афюн ва иллат деб қаралар эди. Гафур Фулом тарбия борасидаги қадриятларимизни ана шу тарзда имкон қадар ёқлай олган эди.

Эндиликда фарзанд тарбияси устувор йўналишлардан бирига айланди. Бу борадаги қадриятларимиз қайта қадр топди. Лекин бутун дунёда рўй бераётган глобаллашув жараёни одамларга ўз таъсирини ўтказмай қўймапти. Автобусга чиксангиз, кўпчилик ёшлар катталарни хурмат қилиб жой беришни билишмайди. Қўлида телефон, иккита шнурни икки қулоғига тикиб олади-да, индамай ўтираверади. Бундай ёшларимиз дунё у ёқда турсин, ҳатто ўзи ўтирган автобусда нима гап-сўз бўлаётганидан ҳам беҳабар. Ваҳоланки, бизнинг тарбиямиздаги катталарни хурматлашдек фазилатга бошқа халқларнинг ҳаваси келарди. Ёшларнинг ўзини бундай тутиши аввало инсоний нуқтаи назардан, диний ва миллий нуқтаи назардан ҳам тўғри келмайди. Инсоний, диний ва миллий қадриятлар асосида одамнинг тарбияси шаклланади. Бу уч мезон бир-бирини тўлдирарди. Мана шу каби қадриятларни аста-секин одамларга ўргатиб, сингдириб боришимиз керак.

— Фарзандларни оилага тайёрлаш борасида ҳам гоҳида қарама-қарши

Сухбатдошимиз — адабиётшунос олим Зухриддин Исомиддинов 1953 йилда туғилган. Миллий қадриятларимизнинг жонкуяр тарғиботчиси сифатида тилга тушган. Бир ўғил, уч қизнинг отаси. Айни пайтда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Кўлэмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар хизмати раҳбари.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ:

ОИЛАДА ҲАЁ БЎЛСИН АВВАЛО

фикрларга дуч келамиз. Кимдир оила куриш ҳақида бола ёшлигидан билиб, шунга кўникиб бориши керак дейди... Ота-оналар эса эрта-ю кеч ишлаб, тўйлар орзу ҳаваси билан сандиқсандиқ сеп йиғишади...

— Айрим одамлар фарзандларимиз учун яшаймиз, дейишади. Мен бу фикрга жилла қўшилмайман. Ҳар бир кас бир одам бўлиб дунёга келган экан, у ўзи учун яшаши керак эмасми? Мен бу гапни, бола-чақа учун яшайлик, деган маънода айтаяётганим йўқ. Демокчиманки, ҳар бир кишининг ҳаётдан матлаби, яшайдан мақсади бўлсин, фақат бола-чақа дарди билан чекланиб қолиш ҳаётнинг бирдан-бир маъноси бўлиб қолмасин. Тасаввур қилинг: биз фақат фарзандларимиз учун яшасак, улар ҳам ўз фарзандлари учун яшасан, охири-оқибат нимага эришамиз? Одам энг аввало, яшадан мақсадим нима, деган саволга жавоб топиб олиши керак. Бизда болаларнинг ёшлигидан сеп йиғиш, айниқса, ёшгина қизларнинг бетини қотириб, у ҳали копток ўйнаш ҳақида ўйлаётган бир пайтда, онгига “эртага бировнинг эшигига борасан” деган номақбул таъкидни сингдириб бориш оdatи ҳам йўқ эмас.

Мен буни унчалик тўғри деб билмайман. Фарзандларим туғул, бува сифатида невараларимга ҳам “ҳадемай оила қурасан” деб айтишга ийманаман.

Чунки ҳар бир оилада ота-болалар ўртасида ҳам, ҳатто эр-хотин ўртасида ҳам ҳаё бўлиши керак. Ҳатто, она ва қиз ўртасида ҳам парда тургани яхши. Ҳозирги кунда бошқа халқларнинг маданиятлари таъсирида, она билан қиз бир-бирига дугона, деган гапларни кўп эшитамиз. Шу... тўғримикин? Она билан қиз ўртасида она-болалик пардаси кўтарилса, онасига ақл ўргатадиган, жақиллаган қизлар пайдо бўлади. Бу эса бизнинг ўзбекнома тарбиямизга мутлақо тўғри келмайди.

— Кейинги йилларда тўйларимиз ҳам кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда...

— Тўйларимиз ҳақида гап кўп. Гап кўп, деганимки, тўйларимизнинг оғриқли нуқтаси фақат дабадабозлик ва исрофгарчилик масаласи эмас. Кейинги пайтларда тўйларимиз ўзбек тўйлари бўлмай қолди. Миллийлик йўқоляпти. Ҳозирги келинлар ўртага чиқиб ўйинга тушапти. Тўйларда келинчага ҳам қадах тутилипти.

Устига устак, шаҳарда ҳам, қишлоқларда ҳам аллақандай донолар “тўй ёшларники”, деган гапни чиқаришдики, бунга амал қилиб, тўйга фақат ёшлар борадиган бўлишди. Ўзбекларда тўй — ҳамманики. Суннат тўйи бўладими, ёки никоҳ тўйими, барибир, унга ёш ҳам, қари ҳам боради, болалар қий-чув қилиб, қувалашиб ўйнаб югуриб юришади. Шуниси билан файзли тўйларимиз. Тўйларда ичкилик бўлмаган эди. Энди эса, аёллар эркекларнинг ёнига ўтириб олиб, қадах чўкиштириб, эркекларни “мард”ликка ундаб, ичкилик ичишда намуна бўлаётганига нима дейсиз?

Чиройли удумларни, урф-одатлар, анъаналарни қабул қилиш яхши, аммо тўйларимиз ахлоқсиз томошага айланиши-ни хазм қилиб бўлмайди.

Тўйлардаги харажатларни ҳозирги кунда ота ёки она эмас, асосан ёшларнинг ўзи белгиляпти. Қўйиб берсангиз кўнгил қурғур нималарни тусамайди, дейсиз. Тўйини дабдабали ўтишини истаётган йигитта ота-онаси, “Сени мен уйлантирялман. Ҳолимга яраша тўй қиламан. Насиб этса, сен ҳам ўғил уйлантираётганинда истаган нарсангни қилаверасан”, деб қўйса ҳам бўлади.

Бу ўринда ота ва ўғил, она ва ўғил, ота ва қиз, она ва қиз муносабатлари жуда катта аҳамиятга эга. “Ўткан кунлар” романида Отабек “Кипчоқ қирғини” борасида отаси Юсуфбеш ҳожига “Сиз бу ишларга бош бўлибсиз” деган гапларни кескин бир тусда айтиб, аразлайди. Ўғил гапириб бўлгунча ота сабр қилади. Сўнг ўғлига вазиятни тушунтириб, бўлғач, масала оилавий ишларга кўчгач, оила бошлиғи сифатида, ота сифатида ЎЗ СЎЗИни айтди. Бугун айрим хонадонларда отанинг ана шу СЎЗИ етишмаяпти. Ота-оналарнинг фарзандига ҳисоб бериши, ўзини оқлаши, яхши кўрсатишга уриниши ачинашдан бошқа нарсага арзимайди.

— Ваҳоланки, ота — хонадон устун. Унинг ним-жонлашиб қолишга сира ҳақки йўқ. Шундай эмасми?!

— Тўғри. Бу устуннинг ним-жон тортаётганига бир қатор сабаблар бор. Булардан бири оилада аёлнинг сўзи кескирлашиб бораётганида. Ота боласига бирор нарса деса, “Ўтиринг сиз, ҳамма нарсага аралашаверманг!” деганга ўхшаш гаплар ҳам қулоққа тез-тез чалинади-да ҳозирги замонда. Ана шундай ҳолатда кун кўриб юрган эркекларнинг



Г у р у н г

ҳолига вой. Бундай бўлишига мана шу эркекларнинг ўзи ҳам маълум маънода айбдор. Ахир бу дунёда яшаш фақат қорин тўқлаш, тўй қилишдан иборат эмас-ку. Шу маънода эркек киши ҳам, аёл ҳам оиланинг



ЕЛКАН — тилимизда шамол кучи билан кемани ҳаракатга келтирадиган катта чодир “елкан” деб аталади. “Елкан” сўзининг туб илдизи шамол маъносини англатувчи “ел” сўзидир. “Ел” сўзига “-кан” қўшимчаси қўшилиши натижасида бу сўз ҳосил бўлган.

Очиқ денгиз устидан
Енгил шамол елмоқда,
Хув.. оқариб узокдан,
Ёлғиз елкан келмоқда.
Зафар Диёр

ЧАЙИР — тилимизда “чайир” сўзи “чиникқан”, “пишиқ” деган маънони англатади. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изохланишчи, қадимда саксовуллар оиласига мансуб, панжага ўхшаб ўсадиган ўсимликнинг номи “чайир” бўлган ва шу ёввойи ўсимлик номидан маъно тараққиёти натижасида сифат ўсиб чиққан. Шундан сўнг “чайир” сўзи “ёрилиши қийин ўтин” маъносини англата бошлаган. Кейинроқ бу сўз одамга нисбатан чиникқан, пишиқ маъносини ишлатилган.

— **Демак, энг аввало оиладаги маънавий муҳит соғлом бўлиши керак экан-да...**

— Оилада ҳаёнинг устунлиги миллий маънавиятимиз ва қадриятларимизнинг устуворлигига олиб келади. Афсуски, кейинги пайтларда нафақат ёшларимиз, балки айрим катталаримиз ҳам Европага, хориж маданиятига тақлидан яшашга интилишмоқда. Айтилик, хорижда ишлаб келган бир ота уйида, қизларининг олдида бемалол калта иштон — шортикда юраверади. “Уялмайсизми биродар, ахир қизларингизнинг бўйи етиб қолган-ку”, десангиз, “Уёқда шундай юришади”, деб жавоб беришади. Ота-ки “уёқ”қа тақлид қилиб турган бўлса, болалар қаёққа борсин?

Яқинда бир маҳалладан ўтиб бораётиб, бир ҳовлига кўзим тушди: Дарвоза очик. Сувлар сепилган. Ишқом тағидаги сўрида бутун оила жамулган бўлиб нонушта қилаяпти. Мана бу — ўзбек оиласи! Ҳамманинг ҳаваси келадиган манзара! Келин югуриб-елиб хизмат қилаяпти. Унга ҳам жавр эмас. Ахир оиланинг ҳар бир аъзоси қозоннинг бошига югуриб бормайди-ку... Унақада тартибсизлик юзага келарди. Бу бизнинг ўзбек хонадонларигагина хос фазилат. Бугун катталарга хизмат қилаётган ёшлар эрта бир кун бугунги меҳнатининг роҳатини кўришини билади. Фарба эса фарзанд ота-онасига бу қадар меҳр-муҳаббат билан хизмат қилмайди ва фурсати келиб, болалари ҳам унга қайишмайди. Бу уларга хос удум. Бизнинг ўзимизга хослигимиз оиладаги мана шундай гўзал қадриятларимизда ҳам намоён.

МАҲЛИКО — асосан адабий асарларда ишлатиладиган “маҳлико” сўзининг туб илдизи “ой билан кўришиш”, “ой юзли” деган маъноларни англатади.

Келгай эдинг,
эй маҳлико, ҳар дам аҳволим сўраб,
Бир неча кундир келмадинг, хайрона бўлдим соғиниб.
Қўшиқдан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

“Оила ва жамият”
муҳбири
Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА
суҳбатлашди.

- *Мавлоно Хожагий Имканагий юрти
- *Аштархонийлар сулоласига йўл очган авлиё
- *Ишнинг бошида маҳалла ва...
- *Ўзбекистоннинг энг кекса дарахти
- *Кориз – халқ тафаккури маҳсули
- *Ободлик кўнгилдан бошланади

Бир пайтлар Китоб туманидаги Хўжаимкана қишлоғига зиёратга бораётган кишилар туман маркази яқинидаги Ковуш қишлоғига келиб, от-уловдан тушиб, пойи пиёда йўлларида давом этар эканлар. Бу шу қишлоқда ҳижрий 918-1008 йилларда яшаб ўтган улуг кароматгўй авлиё, кутблар кутби, соҳиб каромат, зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллаган пири комил Мавлоно Хожагий Имканагий ҳазратлари нақадар улкан шахс бўлганидан далолат беради.

Дарвоқе, Мавлоно Хожагий Имканагий нафақат ўз даврида, балки кейинги асрларда ҳам мусулмон оламининг диққат марказида турган улуг авлиё бўлганлар. Шунинг учун ҳам у кишининг қабр тошларида 1) Бу қабр нурга тўлсин; 2) орифлар султони; 3) жаноби Ҳаққа восил, жамсаннинг чин маслақдоши, ишончи; 4) фақирлар фақири ва улуглар улуги; 5) фозиллар ва солиҳлар дўсти; 6) жаноб кашф соҳиби ва шайхлар шайхи; 7) кечирилган, раҳмат нурига етишган, Аллоҳ мағфират этган, кутблар кутби, он ҳазрат; 8) Мавлоно Хожагий ибн Мавлоно Дарвиш Ваҳшуворий; 9) Аллоҳ раҳмат ва мағфират айласин; 10) Мавлоно Яъқуб Чархийнинг шогирдидур каби сифатлар ёзиб қўйилган.


Айтишларича, Хўжаилмкони қишлоғидаги масжид ва мадрасани Шайбонийхонлар сулоласининг йирик вақилларидан бири Абдулла Султон (Абдуллахон 11) улуг авлиё ҳурматида 400 дан ортук талаба диний ва дунёвий илмлардан баҳраманд бўлган. Иккинчи жаҳон урушидан олдинги ва кейинги йилларда мавжуд мадраса ва масжидлар бузиб ташланиб, фақат хонақоҳгина сақланиб қолган.

Тарихчи Аҳад Бердиев "Китоб тумани" китобида ёзишича, XVI асрнинг иккинчи ярмида мусулмон олами диний қувватни Мавлоно Хожагий Имканагий маскан топган Хўжаилмкони қишлоғидан олган. Хатто подшоҳлар ҳам у кишининг зиёратига келишган. Яқин-яқин вақтларгача Хўжаилмкони улуг зиёратгоҳ манзил ҳисобланган.

— Бу улуг зотни ўзига пир деб билган кишилар жуда кўп бўлган, — дейди қишлоқ фалолларидан бири Тошхон ота Хуррамов. — Ҳозирги пайтда ҳам Туркия, Эрон, Арабистон, Миср, Индонезия ва дунёнинг бошқа мамлакатларидан меҳмонлар зиёратга келиб туришадди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, бундан тўрт-беш йил илгари Арабистондан келганлардан бири зиёратгоҳ дарвозасига келиб оёқ кийимини ечди, зинадан чиққач Мавлоно Хожагий Имканагийнинг қабрларигача тиззаллаб юриб борди ва қарийб бир соат қабр пойига тиз чўкиб йиғлади...

Ривоят қилишларича, Китоб

шаҳри марказида ул зотдан қарийб 300 йил кейин яшаган тасаввуф таълимоти валиларидан бири Ориф халифа Мавлоно билан ботинан суҳбатда бўлиб, вафотларидан кейин қабр учун оёқ учларидан жой сўраганлар ва розилик олганлар. Аммо у кишининг яқинлари васиятларига амал қилмай, марҳумни Қаландартепа орқасидаги қабристонга олиб кетишадиганда май-йит оёғи билан тобутни Хўжаилмкони томонга туртиб юборган экан. Бу қанчалик ҳақиқат эканлигини



силсиласининг 22-вакили бўлиб, "Пурқарам", яъни, марҳамати, меҳру-муҳаббати, эҳсону қарам, каромати кўп деган сифат билан машҳурдирлар, — дейди иқтидорли журналист Салоҳиддин Исомиддинов. — Мусулмон оламида бу халқа силсилаи заҳаб (олтин силсила) ёки силсилаи шариф (шарафли силсила) деб номланади.

ват аҳли" деб номланган рисоласида бу фикрларни янада тўлдирди. "XVI аср охири ва XVII аср бошларида Ҳиндистонда нақшбандия тариқати тараққиётининг янги фақуллода юксалиш даври бошланди, — деб ёзади у. — Бу жараён мавлоно Хожагий Имканагийнинг суюкли халифаси хожа Муҳаммад Боқибиллох Деҳлавий фаолияти

ХЎЖАИЛМКОНИ МЎЪЖИЗАЛАРИ

билмайману, бироқ қишлоқ аҳли орасида Мавлононинг оёқ учларидаги учта қабрдан бири шу инсонга тегишли, деган фикр юради. Иккинчи қабрда эса ўз даврининг улуг доғишманди, Бухоро Амирининг мирзоси вазибасида ишлаган Мирза Камол Охун ва у кишининг ёнида ўғиллари Мулла Саъдулла ётибдилар.

Мавлононинг вафотларидан кейин ўғиллари Хўжа Абдул Қосим томонидан бу қабрга сағана қилинади ва милодий



1613 йилда Бухоро амири Имомқулихон томонидан сағана ҳозирги кўринишига келтирилди.

Эни ва узунлиги 11 метрга 11 метр, баландлиги 2.70 метр бўлган дахламада у кишининг аҳли байтлари қўйилган. Сағанада ўзларига ва ўғиллари Хўжа Абдул Қосимга мармартош ўрнатилган.

— Мавлоно Хожагий Имканагий нақшбандия

Мавлононинг шажаралари пайгамбаримизнинг набиралари Ҳазрати Имом Хусайн Разиоллоху анхуга бориб талоқалади ва у кишининг 32-авлодига мансубдирлар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, таржимон Мирзо Кенжабек Хожагий Имканагий ҳазратларининг икита улуг хизматлари ҳақида шундай ёзади. "...Нақлга кўра ҳазрати Шайх халифалари Муҳаммад Боқибиллохга: "Ҳиндистон мамлақатида бир имом зуҳур этгайдир ва асрнинг маънавий раҳнамоси бўлгайдир. Ҳақ тўлоғ сен орқали унга Ўз (маъно) эшикларини очур. Дарҳол унинг хузурига боргил. Чунки аҳлуллох (Аллоҳнинг аҳли бўлган кишилар) унинг келишига мунтазирдирлар", дейдилар. Муҳаммад Боқибиллох дарҳол Ҳиндистонга йўл оладилар. Дарҳақиқат, кейинги минг йилликнинг муҳадди — дин янгиловчиси бўлган зот ҳазрати Имоми Раббоний у зотга интисоб қилиб, ислом тасавуфи оламида улуг мақомга эришадилар.

Яна бир хислатлари комил муридларининг кўплигидир. Муридларнинг кўп бўлиши ҳамшиша ҳам фазилат саналмаслиги мумкин. Лекин "Тарихи томм" асаридан (Муридларидан) ҳар бири комил бўлиб, мамлакат вилоятининг валийсидилар", деб таъкидланадики, фазилатлари шундандир".

Адабиётшунос Абдусаттор Жуманазар ўзининг "Хил-

билан боғлиқ эди. — Мавлоно Хожагий нақшбандия тариқатининг Ҳиндистонда ривож топишини башорат қилиб, шогирдини у ерга боришга ҳукм этади. Ҳақиқатан кўп ўтмай мавлоно айтгани содир бўлади. Буни хожа Боқибиллох ўз битикларида эътироф этган".

Мустақиллик йилларида Ислом Каримов раҳнамолигида миллий ва диний кадрларимиз қайта тикланди, улуг авлиёларимиз ва алломаларимиз номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар қиёфаси тубдан ўзгарди. Хусусан, Китоб туманидаги Оқсув, Ҳазрати Неймати Вали зиёратгоҳларида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда Китоб туман ҳокимлиги ташаббуси билан Хўжаилмкони зиёратгоҳида ҳам улкан ҳажмдаги ишларни бажариш режалаштирилди.

— Зиёратгоҳни реконструкция қилиш ва ободонлаштириш бўйича бош режа ишлаб чиқилди, — дейди туман ҳокими биринчи ўринбосари Адҳам Пўлатов. — Ҳисоб-китоблар бу ерда бир миллиард сўмлик иш бажаришни тақозо этмоқда. Хонақоҳни капитал реконструкция қилиш, дарвоза ва деворларни янгилаш, эски биноларни бузиб, масжид қуриш, иккита бог барпо этиш, йўлларни таъмирлаш, кенгайтириш, янги йўлақлар, миллий услубдаги пешайвон, таҳоратхона, автомобилларни сақлаш жойи, савдо ва умумий оққатланиш шохобчалари қуриш, қадимий чинор атрофини ободонлаштириш ана шу ишлар сирасига киради.

Бундай улкан ҳажмдаги ишлар қайси маблағ эвазига бажарилади, деб ўйлаётгандирсиз. Албатта, маҳаллий

Мозий ва бугун

бюджетдан маблағ ажратилди, аммо асосий ишлар корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар ва фермерлар, қишлоқ аҳли ва ҳомийлар томонидан қилинади. Аслини олганда, хўжаилмкониликлар бу эзгу ишга ўтган йилгача киришган эди. Шу мақсадда "Хўжаилмкони зиёратгоҳи" фирмаси ташкил этилиб, қишлоқ аҳли саъй ҳаракати билан зиёратгоҳ маъмурий биноси қурилди. Эътиборли томони шундаки, бу ишлар "Меҳр нури" жамғармаси томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

Шу кунларда хонақоҳни капитал реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. Шаҳрисабздаги "Мерос" масъулияти чекланган жамият қурувчилари хонақоҳга қайта ҳаёт бағишланмоқда. Дарахтлар экилиб, боғлар барпо этилмоқда. Бу ерда кунига 50-100 киши астойдил меҳнат қилмоқда.

— Бир пайтлар баҳор келиши билан ўнлаб лайлақлар келиб, чинорга ин қуриб оларди, — дейди Тошхон ота бир неча асрлик улкан чинорга боқиб. — Кейинги йилларда негадир қушлар келмай қўйишди. Назаримда энди лайлақлар ҳам учиб келаётгандай, ахир бу ерда ҳазилакам эзгу ишлар қилинптимми?

Дарвоқе, Хўжаилмконидаги лайлақлар гўшаси бўлган мазкур чинор ҳақида икки оғиз сўз: 1200 ёшга кирган бу чинор мутахассислар томонидан республикамиздаги энг кекса дарахт деб ҳисобланмоқда. Унинг ковагида 70-80 киши тик ҳолда, 25-30 киши чордона қуриб ўтириши мумкин. Қадим тарихи шохиди бўлган ушбу чинорга салолат ва улугворлик бахш этган нараса эҳтимоли улуг авлиё Мавлоно Хожагий Имканагийнинг назарларидир.

Хўжаилмкони мўъжизалари шу билан адо бўлмайди. Қишлоқ аҳлининг ота-боболари тепалик орқасидаги булоқ сувини қишлоққа олиб ўтишининг антиқа йўлини ўйлаб топишган. Тепалик устида 13 та қудук қазилиб, ер ости йўли орқали бир-бири билан туташтирилган. Мана, бир неча асрдирки, хўжаилмкониликлар кориз деб номланган ушбу қудуқлар орқали булоқ сувидан баҳраманд бўлишмоқда. Бундай ноёб табиий объектлар ҳақидаги мақола Каромиддин Гадоев ва Сабоҳат Бердиеваларнинг "Сайёраимиз мўъжизалари" номли китобига ҳам киритилган.

...Мабодо Китоб томонларга йўлингиз тушса, албатта, Хўжаилмкони қишлоғига кириб ўтинг, улуг авлиё Мавлоно Хожагий Имканагийнинг қабрларини зиёрат қилинг. Имомим комил: ўзингизда ажиб бир енгиллик туясиз, рухингиз ором олади, кеча ва бугун, авлод ва аждод ҳақида ўйлаб қоласиз. Энг муҳими, кўнглингиз обод бўлганини ҳис этасиз. Зеро, ободликнинг ўзи кўнгилдан бошланади, дейишади.

Лола ҲОҚОВА.

— Қизларни эрта турмушга узатиш ҳақида гап кетар экан, бу борада энг аввало, айбони оналардан излаш керак, — дейди она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Насиббахон Тайфинова. — Ишонинг, қизини эрта узатиш айрим аёллар учун гўёки «шараф», ҳаттоки, анъанага айланиб бораётгани бор гап. Барвақт орзу-ҳавасга эришиш, шошилиш тўғрилиб бўлмас хатоларни келтириб чиқараётгани, ёш қизларнинг ҳомилдорликни кўтара олмай оналик бахтини бир умрга йўқотиб қолганликлари, натижада оиласидан ажраётгани оналарнинг кўзларини очмаётганими?

Қанча ёш қизни келин қилсам, уни эгиб олиш, изиммига юргизиб шунча осон кечади, деган нотўғри фикрли қайноналар ҳам ораимизда учрайди. Ёш қиз шубҳасиз укувсиз келин бўлади, укувсиз келин эса ҳеч бир қайнонага ёқмайди. Танбех, дашномдан безиган ёш келинчакнинг турмушдан ҳам кўнгли совиши турган гап. Қарабсизки, бир хато иккинчисига йўл очиб бераверади. Оилавий ажримлар, ёлғиз оналар, тирик етимлар сони ортаверади.

Катта ҳаёт тажрибасига эга муаллима опанинг сўзлари қанчалар аччиқ бўлмасин, унда ҳақиқат мужассам. Хўш, балоғат остонасидан турган қизларимиз кўнглида нима гап?

— Танаффус пайтида бошқа гуруҳ қизлари билан суҳбатлашиб қоламиз, — дейди Янгикўрғон ижтимоий-иқтисодиёт ва агроиқтисодиёт коллежи 2-босқич талабаси Гулчехра Нажмиддинова. — Шунда турмушга чиққан айрим қизлар ҳаётдан кўнгли тўлмаётгани, рўзғор ишларига улгурмасдан қайнонаси ва эридан гап эшитаётгани, бунинг устига соғлиги яхши эмаслиги ҳақида нолиб гапиришади. Баъзида улар кўзида ёш айланади. Бизга ҳавас қилишларини, эрта турмушга чиққанларидан афсусда эканликларини ошқора айтишади ва ота-оналаридан хафа эканликларини яширишмайди.

Уларни тинглар эканман, зиёли оилада туғилганимдан хурсанд бўлман. Биз оилада беш фарзандимиз, мен кенжасиман. Ота-онам ўқитувчи. Опаларим олий маълумотли, ўз соҳалари бўйича бир йил ишлаганларидан сўнг узатилган. Ҳозир барчалари бахтли. Мен ҳам бир касбнинг эгаси бўлгач, турмушга чиқишни истайман. Ота-оналарим ҳам истаги шундай.

— Мен ҳам шу коллежда АРМ му-

Фарзанд — ота-онанинг кўз қорачиги. Қиз бор хонадоннинг файзи, ори бўлакча бўлади. Дилбандини кипригида авайлаб ўстирган ҳар бир ота-онанинг нияти битта: яхши оила билан куда-анда бўлсам, боламнинг бахтини кўрсам, дейди. Афсуски, ҳар доим ҳам бундай ёруғ тилаклар ижобат бўлавермайди. Негаки, навнихол келинчакларнинг бахтсизлиги, ота-оналарнинг пушаймонлиги илдизи — ўша «барвақт» узатилган қизлар тақдирига бориб тақалаверади. Уларни эрта турмушга узатиш ва унинг салбий оқибатлари, ёш оилалар ажрими бугунги кунда жамиятнинг оғрикли муаммосига айланиб қолди, десак янглишмаймиз.

Хўш, бу каби нохуш ҳолатларга чек қўйиш учун нималар қилиш керак? Ҳар бир қизнинг Оила аталмиш кўрғонда бахти тўқис бўлиши учун уларга бугун одобу ахлоқдан, касбу хунардан, оқиллиги саришталикдан бераётган сабоқларимиз етарлимикан? Нега аксариятимиз соппа-соғ деб юрган қизларимиз келин бўлгач, тез-тез касалликка чалиниб қоляпти?

ҚИЗЛАР СОҒ, КЕЛИНЛАР-ЧИ?..



тахассисман, — дея суҳбатга қўшилади Матлуба Умарова. — Коллежни ўтган йили битирдим, лекин ҳали турмушга чиқмоқчи эмасман. Чунки институтда ўқишни истайман.

Ушбу фикр-мулоҳазаларни эшитгач, Янгикўрғон ижтимоий-иқтисодиёт ва агроиқтисодиёт коллежи бошланғич хотин-қизлар ташкилоти раиси Бусора Тожибоевага ҳам айрим саволлар билан мурожаат этдик:

— Коллежда қанча қизлар тахсил олади?

— 976 нафар ўқувчининг 478 нафарини қизлар ташкил этади.

— Улар орасида турмушга чиққанлари ҳам борми?

— Бор, икки нафар. Лекин, тан олиб айтиш керакки, улар ўқишни давом

эттиролмаяпти. Шу боисдан қизларимиз ўртасида эрта турмуш қиришининг оқибатлари ҳақида тез-тез суҳбатлар ўтказилади. Маҳалла ва ота-оналар билан ҳамкорликни кучайтирганмиз. Умид қиламизки, бу саъй-ҳаракатлар безиз кетмайди.

Янгикўрғон туманидаги Хўшасўр-кент ҚВП бош дояси Кумушхон Қорабоевнинг ҳам бу борадаги фикрлари эътиборга лойиқ:

— Шукрки, бизнинг ҳудудда эрта турмушга узатилаётган қизлар йўқ. Аммо бу билан хотиржамликка берилиб бўлмайди. Эрта турмуш деганда 16-17 ёшли қизларни узатиш ҳолатининга тушуниш тўғри эмас. Негаки, айрим қизларимиз организмиди 20 ёшда ҳам оналикка тайёр бўлмайди. Асли-

да, тиббиёт нуқтаи назаридан ҳам аёл организми 20 ёшдан кейингина бу вазифани бажара олади. Шундаям аёл соғлом бўлса.

Яқинда хузуримга бир қайнона келинини олиб келди. Келинчакда ҳомилдорлик жараёни оғир кечаяпти. Уни тумандаги марказий шифохонага юборишга мажбур бўлдим. Аммо қайнона тушунишни истамасди. Соғлом боланинг дунёга келишида нафақат ёш, балки оилавий шароит ва муносабатларнинг ҳам аҳамияти катта.

Мавзунини тўлақонли ёритишимиз учун албатта Янгикўрғон туман ФХД бўлимида бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритишимиз жоиз.

— Оила қуриш ҳолатлари қонун билан белгилаб қўйилган, — дейди ФХД бўлими мудир Ферузaxon Ҳақимова. — Унга кўра йигитлар 18-19, қизлар 17-18 ёшда оила қуриш ҳуқуқига эга бўладилар. Аммо бу ёшда йигитлар ҳам, қизлар ҳам оила қуришга тайёр бўлмайди. Чунки бу ёшдаги йигит-қизлар эндигина лицей ёки коллежда тахсил олади-ку! Демак, улар оилани таъминлашга қодир бўлмайди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган уч ойи давомида 18 нафар 17-18 ёшли қизларнинг никоҳини қайд этишимизга тўғри келди. Ҳар ойда юзлаб никоҳни расмийлаштиришимизни назарда тутсак, 18 та оз кўриниши мумкин. Аммо бундай эмас. Афсуски, эрта турмуш қураётган қизларнинг барчаси ҳам бахтли яшаб кетаётганлари йўқ.

Халқимизда «Кенгашли тўй тарқамас» деган нақл бор. Бунинг замирида инкор этиб бўлмас ҳаёт ҳақиқати яширин. Бирок қизларнинг эрта узатилиб кетаётганини кўп ҳолларда маҳалла-қўй ҳам, ўқув даргоҳлари маъмурияти ҳам сезмай қоляпти, ота-оналар яширинча иш тутишапти. Қизнинг номақбул ёки носоғлом йигитга турмушга чиққанини билганларида эса кеч бўляпти. Шунинг учун катталар бу масалада ҳар томонлама йўлба, сўнг қарор қабул қилганлари маъқул. Токи, ҳар бир қиз келин бўлиб тушган хонадонда тўқис бахт топиб, қомил фарзандлари дунёга келтирсин.

Гулбахор АКБАРОВА,
Наманган вилояти.

Фойдаси

Халқимиз қадимдан чой ичишга одатланган. Бунинг сабаби шуки, чой фақат чанқоқни қондиришдан ташқари, организм учун ҳам фойдалидир. Жумладан, чой одамнинг ақлий ва жисмоний меҳнат фаолиятини яхшилайди. Бош мия, юрак, жигар ва буйрак томирларини кенгайтиради. Меъда ва ичакда овқат ҳазм бўлишини яхшилайди. Иссиқ иқлим шароитида тана ҳароратини мўтадиллаштиришга ёрдам беради. Ичакдаги касаллик кўзгатувчи микробларга қаршилик кўрсатиш хусусиятига ҳам эга. У одам организмидан захарли ва радиактив моддаларнинг пешоб ва тер орқали ташқарига чиқариб, қоннинг тозаланиб туришини таъминлайди.

Унинг яна бир фойдали жиҳати шундаки, у ёғ ва холестериннинг қон томирлари деворига чўқишни камайтиради ва энг кўп тарқалган атеросклероз касаллигининг олдини олишга фойдали таъсир кўрсатади. Чойнинг юқорида айтилган фойдали томонлари

ЧОЙ — ҚУВВАТГА БОЙ

айниқса, табиий кўк чойда мавжуд.

Зарари

Овқатга кўшиб деярли ҳамма чой ичади. Чойнинг таркибидаги танин моддаси эса озуқа маҳсулотларида мавжуд бўлган фойдали моддаларни парчалаб юборди, натижада организмда витаминларнинг етишмаслиги юзага келади. Гўшт чой билан бирга истеъмол қилинганда 40 фоиздан 100 фоизгача, меваларнинг 5 фоиздан кўпи, умумий овқатлар чой билан истеъмол қилинганда эса маҳсулот таркибидаги витамин ва темир моддасининг камида 70 фоизи сўрилмай қолади. Бу эса киши саломатлиги учун салбий таъсир кўрсатади.

Айни замонда дунё аҳолисининг кўп қисми камқонликдан азият чекаётгани сир эмас. Бу касаллик асосан темир моддаси етишмаслиги оқибатида юзага келади. Темирга бой маҳсулотлар



даги фойдали аҳамияти катта. У кўплаб касалликлар учун даъво бўла олади. Аммо асалнинг ҳам ози ширин. Чойга шифобахш ичимлик сифатида қараб, меъёрада ичсак, саломатлигимиз учун фойдаланамиз. Зеро, овқатлангандан 30 дақиқа кейингина ичилган чой ёки қаҳва безарардир.

Қора чойми ёки кўк чой?

Албатта, кўк чой-да!.. Дунё олимларнинг таъкидлашича, кўк чойнинг ошқозон-ичак касалликларига таъсири қора чойникига қараганда кучлироқ экан. Чунки кўк чой бактерияларнинг ҳужайрага таъсирини ошқозон ва ичакдаги касаллик кўзгатувчи микробларни ўлдириши, у ерда чириш жараёнини тўхтатади. Кўк чой ошқозон ва ичак йўллари тозалайди. Ошқозон фаолияти бузилганда кун давомида аччиқ дамланган кўк чой ичинг. Кўк чой ҳатто ичбуруғ микробларига ҳам таъсир

кўрсатади.

Кўк чой тетиклаштирувчи ичимлик ҳисобланади. Кўк чой асабини тинчлантириши билан бир қаторда, чехрани очади, тана ҳароратини қишда оширади, ёзда эса салқин сақлайди.

Кўк чой совуқлик бўлганлиги боис кўпроқ иссиқ минтақаларда, жазирама об-ҳавода фойдали ичимлик сифатида, қора чой эса нисбатан совуқроқ ҳудудларда совуқ ва намгарчиликдан ҳимояладиган восита сифатида ичилади.

Яна биласизми, зангори экран қаршида ҳордиқ чиқарар экансиз, чой ичиб ўтиришингиз лозим. Кофе ёки лимонад эмас, кўк чой ичинг. Чунки чой телеэкрандан тараладиган радиоактив нурларнинг салбий таъсир кучини қирқар экан.

Олий тоифали шифокор Сайёра УМАРОВА тавсияларини журналист Камола АҲМЕДОВА ёзиб олди.



ФУТБОЛ АЖОЙИБОТЛАРИ

Пеленинг рашкчи рафиқаси

Пеле футбол қироли. Билсангиз керак, у яна кинода рол ижро этган ва ҳатто кўшиқ ҳам айтган. Бирок унинг рафиқаси Розе-Мэри Пеленинг фақат футбол билан шуғуллан-



нишини хоҳлаган. Нима учун дейсизми? Чунки футболда Пеленинг ҳамкорлари фақат эркаклар. Шоу-бизнесда эса у аёллар билан ҳам учрашишга мажбур бўлади. Рафиқаси Розе-Мэри шунинг учун Пелени шоу бизнесга аралашшига қарши чиққан.

Нима ҳам дердик, ҳар ким ўз иши билан шуғуллангани яхши-да.

Гарринча — биринчи «жентльмен»

Футболдаги «жентльменлик» қондасини биласиз. Ана шу қондани айнан Гарринча яратган. Бу воқеа 1960 йилнинг 27 мартда «Маракана» стадионида юз берган. «Флу» ҳимоячиси тўпни тепиб юборади ва сирганиб, оёғи қайрилиб ётиб қолади. Тўп Гарринчага келиб тушади ва у жарима майдончасида дарвозабон билан яккама-якка қолади. У тўпни дарвозага тепмоқчи бўлади-ю бирдан ҳимоячининг оғриқдан букчайиб ётганини кўриб қолади. Гарринча шу заҳоти тўпни майдондан чиқариб юборади. Бу олижаноб иш эди. Т и б и й ё р дамдан сўнг «Флу» ҳимоячиси тўпни ён чизикдан ташлашга тайёрланиб, иккиланиб қолади. У Гарринчанинг илтифотига илтифот билан жавоб бериши лозим. Тўп рақибга қайтариб берилади. Ўшандан буён бу аъёна Бразилия, сўнгра бутун жаҳон футболда қондага айланди.



Ҳакам хоним?..

1995 йил январь ойида Дания ва Янги Зеландия жамоалари ўртасида футбол мусобақаси бўлиб ўтади. Бу халқаро мусобақада Блэк фамилияли ҳакам ўйинни бошқарди. Буни нимаси ажабланарли, деб ҳайрон бўлишингиз табиий ҳол. Блэк — бу аёл ҳакамнинг фамилияси. Ўшанда илк бора футбол бўйича халқаро мусобақада эркакларга ана шу аёл ҳакамлик қилган.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

ОНАМИЗ ЎРНИНИ БОСАРМИКАН?

— Бухоро вилоятидан кўнғирок қиялпман. Исмим Соҳиба. «Оила ва жамият»нинг доимий муҳлисиман. Турли инсонларнинг тақдири ҳақида берилган қизиқ ҳикоялар ва мақолаларни қайнонам иккимиз ўзимизча муҳокама қилиб, баъзан баҳслашиб олардик. У киши оламдан ўтгач, уйимиз хувиллаб қолди. Уларнинг ўрни бизлардан ҳам кўра кўпроқ қайнотамга сезиларли. Тўғриси айтсам, илгари қайнотам кўлларига газетажурнал олиб ўқимасди. Бир куни хонасига кирсам, сеvimли газетамдаги «Бахтли бўлинг» рўқнини ўқиб ўтирибди. Бир-икки аёлларнинг исmlарини рўқча билан белгилаб қўйганларини кўриб, бу ҳақда турмуш ўртоғимга айтдим. Секин гаплашсалар, уйланиш нияти борлигини айтибди. Аслида-ку қайнотамнинг бизларга сира оғирлиги тушмайди. Мен кундузи ишда, болалар мактабда бўлишарди. Уй-жойимга қулф-қалит, болаларимга кўз-қулоқ бўлиб юрибдилар. Лекин у кишига барибир танимахрам кераклигини биз ҳам англаб етгандим. Қайнотамнинг ёши 63 да. Бўйлари баланд, бардам-бақувват. 50-55 ёшгача бўлган, фарзандларидан тинган аёл бўлса, онам деб қабул қилардик.

СОҲИБА,
Бухоро вилояти.

СЕВГИ ТОШНИ ЭРИТАДИ, АММО...

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Мен сизларга Андижон вилоятидан мактуб йўллапман. Ёшим 37 да. Икки нафар фарзандим бор. Аёлим Нодира билан қонуний ажрашганмиз. Қизим Чарос мен билан, ўғлим Жавоҳир эса онаси билан яшайди. «Икки нафар гўлдай фарзанди бўла туриб нега ажрашибди?» деган савол кўнглингиздан ўтиши табиий.

Нодира иккимиз университетда ўқиб юрган кезларимизда волейбол мусобақасида танишиб қолгандик. У

қизлар жамоасини бошқарар, мен эса ўғил болалар гуруҳига сардор эдим. Шу баҳона ўртамазда илиқ муносабатлар пайдо бўлди. Охири розилик билдиргач, уйига совчи юбордим. Ўша пайтда катта олам бу қизни ўғил бола феъли дейишарди, жуда уришқоқ экан, кўниртириб олгунингча эсинг кетади, деб танбах берганида ранжигандим. Аслида Нодира ёмон эмас, кўнгли тоза, бировга ғайирлиги йўқ. Фақат бир айби жуда кўпол, кўрс. Арзимаган нарсага ҳам жанжаллашиб кетаверади. Мен-ку

керак эмас, шундай ҳам ўз кунимни ўзим кўра оламан, деб ажримга осонгина рози бўлди. Демак, у мени ҳеч қачон сеvмаган. Севги тошни ҳам эришди, дейишарди. Севганида эриришди. Хуллас, энди уйланишга қарор қилдим. Юмшоқкўнгли, мулойим, саранжом-саршани 30 ёшгача бўлган бир нафар фарзанди бор аёл бўлса ҳаётимни боғламоқчиман.

САРДОР,
Андижон вилояти.

СИНГЛИМ ҲАМ РОЗИ

— Ассалому-алайкум, исмиим Уйғун. Тошкент вилоятида яшаймиз. Онам тўққиз йил аввал оламдан ўтган эди. Энди отамни уйлантиришга қарор қилдик.

— Нега шу вақтгача у кишини ёлғизлатиб қўйдинглар? Бирор жиддий сабаби борми?

— Биз оилада тўрт фарзандимиз. Уч ўғил, бир қиз. Онамдан кейин қариндошлар дадамни уйлантиришимиз ҳақида маслаҳат беришди. Лекин синглим Гулсанам бизга ўғай она керак эмас, деб оёқ тираб туриб олди. Уни турмушга узатганимизга ҳам мана уч йил бўлди. Ҳозир фарзанди бор. Энди ҳаётнинг паст-баландини тушундим, ишқилиб ўзи келиб дадамни уйлантирмасак бўлмайди, деган таклифни билдирди. Дадамнинг ҳужжатларини ҳам олиб келганман. У кишининг хотиржам яшashi биз фарзандлар учун ҳам муҳим. Улар учун алоҳида уч хонали уй-жойни ажратганмиз.

Икмони бўлса, 50-55 ёшгача бўлган, Тошкент вилоятида яшовчи ёлғиз аёл бўлса овоз берсин.

УЙҒУН,
Тошкент вилояти.

ТАҲРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

ГАЗАНДА (Крапива)

Ушбу ўсимликнинг юзга яқин тури мавжуд бўлиб, бизнинг ўлкада 10 та тури учрайди. У юртимизнинг барча вилоятларида, нам ва зах ерларда, ўтлар орасида, бутазорлар, йўл ёқалари, сув бўйларида ўсади. Уни қичитки ўт деб ҳам аташади.

Таркибида аскорбин ва пантотен кислоталари, витаминлар, темир тузи, кальций, натрий мавжуд. Халқ табobatiда ярани битказувчи, сийдик ҳайдовчи, организмни умумий мустаҳкамловчи, балғам кўчирувчи, қон тозаловчи, ички аъзолардаги қонни тўхтатувчи омил сифатида ишлатилади. Бундан ташқари қон алмашувини яхшилайди, она сутини кўпайтиради. Камқонлик, лоҳаслик, атеросклероз, мушак ва бўғимлар ревматизми, истиско, қичима, экзема, ўтқоли ҳамда жигар хасталиклари, бавосил, ич қотиши, ошқозон санчиги, овқат ҳазм бўлишининг бузилишида даво бўлади.

Баргларида тейёрланган дахлама ёки кукун безгак, бавосил, нафас қисиши, бурун ва оғиздан қон келиши, кўкрак қафасидаги оғриқ бартараф бўлишига ёрдам беради.

У соч ўсишига самарали таъсир кўрсатиб, тўкилишининг олдини олади. Шунингдек, бошдаги қазоқ, шўрлашга қони фойда. Бунинг учун газанда ўтининг янги узилган бар-

Табият — дорихона

гидан 3 ош қошиқ майдаланганини олиб, 1 стакан қайнаган сувга солиб, 30 дақиқага дамлаб қўйилади. Сўнг дозадан ўтказиб, илиқ дахламани ҳар бош ювилгандан кейин сочининг илдизига суртилади.

Қичитки худди чой каби дамла-ниб, овқатдан 30 дақиқа олдин ёки 1 соат кейин ичилса, эркаклар учун қувватбахш доридир. 20 гр. газанда уругини 0,5 литр қизил узум виносига солиб, 1 ҳафта димлаб қўйилади. Сўнг сузгичдан ўтказиб, кунда 1 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

Қариялар дахламасидан истеъмол қилса, соч оқаришининг олдини олади. Юракни бақувват қилиш учун 5 ош қошиқ майдаланган газанда баргининг устига 0,5 литр қайнаган сув солиб, паст оловда 5 дақиқа ушлаб турилади. Сўнг 30 дақиқага дамлаб, кейин дозадан ўтказилади. Ушбу дахламага таъбга кўра асал солиб 0,5 стакандан 4 маҳал ичилади.

Газанда ўтидан тейёрланган дориворлар қони қуюқ, кистаси бор ҳамда гипертоник хасталиқлар билан оғриган беморларга, ҳомилдор, бачадонида ўсимта ёки полипи мавжуд аёлларга, ички ва ташқи қон кетишида, буйрак касалликларида таъсия этилмайди.

Инобат ЖАМИЛОВА
тайёрлади.

Фойдали МАСЛАҲАТЛАР

Ванна ва раковинадаги доғларни туз ва лимон аралашмаси билан артилса яхши самара беради.

Саргайиб қолган дазмол юзини бироз намлаб ичимлик содаси сепинг. Бир неча дақиқадан кейин юмшоқ мато ёки чўтка билан артиб ташланг.

Юз учун упа харид қилаётганингизда унинг ранги сизнинг рангингиздан очикроқ бўлишига эътибор беринг.

Кенг елкаларни ихчамроқ кўрсатиш учун шифон матодан тикилган энги калта, этаги кенг либосларни танлаган маъқул.

Сифатли пиёзнинг пўстоғи куруқ, бармоқ билан босганда қаттиқ бўлади.

Мутахассисларнинг фикрича, нок меваси толиқиш, депрессия, уйқусизлик, асабийлашишга қарши энг яхши восита экан. Ҳар куни бир дона нок тановул қилган ёки бир стакан нок шарбатини ичиб юрган одамнинг руҳи тетик бўлади.

Гулноза БОБОЕВА
тайёрлади.

МАРДЛАР МАЙДОНГА ТУШДИ



Сарчашма

Обод турмушимизга байрамлар ярашади. Байрамларки, унда халқимизнинг бугунги тинч ва осуда ҳаётимизга, дориломон кунларга бўлган шукроналик туйғуси йўғрилган.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда "Обод турмуш йили"га бағишлаб ташкил этилган



"Майдон томошалари санъати телефестивали" пойтахтимиз аҳли ва меҳмонлари кўнглини бирдек хушнуд этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Маданият ва маърифат" телеканали давлат унитар корхонаси ҳамда республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамкорлигида ўтказилган икки кунлик фестивал давомида республика "Хунарманд" уюшмаси томонидан кўргазма ташкил қилиниб, унда халқ хунармандчилиги намуналари намойишга қўйилди. Тадбир чин маънода қадим ва бетакрор қадриятларга йўғрилган халқ ўйинлари байрамига айланди.

"Майдон томошалари санъати телефестивали"нинг якуний босқичида



11 та дорбозлик, 5 та анъанавий цирк санъати жамоалари, битта халқ кўғирчоқ театри ва 10 та миллий карнай-сурнай гуруҳларидан иборат 226 нафар иштирокчилар ўз томоша дастурларини халққа намойиш этишди.

Назира БОЙМУРОДОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

Хуқуқ бурчаги

БОЛАНИНГ
МУЛК ҲУҚУҚИ

Бола қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Унинг шахсий фойдаланишида бўлган, ҳада, мерос тариқасида олинган, шахсий меҳнати эвазига ёки бошқа қонуний усулда олинган буюмлар ва мол-мулк унинг хусусий мулкидир. Шунингдек, ҳар бир бола турар-жойли бўлиш ҳуқуқига эга, мазкур ҳуқуқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Турар-жой мулкдорининг ёки турар-жойни ижарага олувчининг оила аъзолари бўлган болалар улар қаерда бўлишидан қатъи назар, турар-жой мулкдори ёки турар-жойни ижарага олувчиси эгаллаб турган турар-жойга нисбатан ҳуқуққа эга бўладилар. Тарбия, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларда, қариндошлари, васийлари ёки ҳомийлари қара-

могида бўлган етим болалар, отонасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар-жойга бўлган ҳуқуқини ёки турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Васийлик ёки ҳомийлик белгиланган боланинг мулкида ёки фойдаланишида бўлган турар-жойни ўзга шахсга ўтказиш учун васийлик, ҳомийлик органининг розилиги талаб қилинади.

Ғолиб ЭШМОНОВ,
Тошкент шаҳар
Яккасарой тумани
1-сонли ДНИ нотариуси.

ГАРОВ НИМА?

Гаровга қўйилладиган мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганда гаров закалат ҳисобланади. Кўчмас мулкни гаровга қўйиш эса ипотека ҳисобланади.

Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан, ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар) гаров нарсаи бўлиши мумкин. Муомаладан чиқарилган мол-

мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талабномалар, хусусан ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш, алиментлар тўғрисидаги ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган талаблар бундан мустасно.

Гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган пайтдан ёки шартнома нотариал тасдиқланиши шарт бўлса — нотариал тасдиқланган пайтдан, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганда эса — у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Ипотека тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши шарт ҳамда тегишли мол-мулк ҳақида тузиладиган битимларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Саволга Шайхонтоҳур тумани
9-сонли ДНИ нотариуси
Ботир НАМАЗОВ,
Умида БОЗОРОВА жавоб берди.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилик — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 2 ой. Нўқтали — 1 ой.
Торт ва пишшириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 1 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирнок, кеприк устириш ва дипелация - 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинада вшыивка).
Тўқувчилик — 2-3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мўнчок тикиш — 2 ой.
Декоратив гул, сарпо қўти ва саватлар ясаш — 2 ой.
Бисердан гуллар, даратхлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзэ 1-уй 31-хона.

МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи).

Муассасалар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15-00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон
МУСУРМОНОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусаҳҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Бюуртма Г — 628. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 9804. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5

АҲМАДЖОН —
ЧЕМПИОН!

Таиланднинг Пхукет шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтмоқда.

Юнон-рум кураши бўйича 55 килограммгача вазни полвонлар ўртасида Аҳмаджон Маҳмудов финалда Жанубий Корея вакили Сэюнг Хак Ким устидан зафар кучиб Осиё чемпионлигини қўлга киритди.

Йигирмага яқин давлат спортчилари иштирок этаётган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиздан Жонибек Отабеков ва Жаҳонгир Турдиев бронза медалларига сазовор бўлди. Яна икки нафар юнон-рум курашчимиз — Шерзод Акбаров ва Собиржон Қозоқбоев совринли ўринлар учун курашни давом эттирмоқда.

КАРАТЭ УСТАЛАРИ
БЕЛЛАШУВИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида каратэ бўйича болалар, ўсмирлар, ёшлар, катталар, фахрийлар ва хотин-қизлар ўртасида анъанавий «Uzbekistan Open» халқаро турнири бўлиб ўтди.

Спортчиларимиздан Толиб Арслонов, Улугбек Ашуров, Эргаш Турдидиев, Диёр Бердимуродов, Шохрух Эшмаматов, Хожиакбар Ҳакимов, Жавоҳир Абдусатторов, Ҳожиакбар Абдумуталов, Муҳаммадтоҳир Қорабоев, Ахрор Низомбоев, Муҳаммадзоид Эминов, Садриддин Сайматов, фахрийлар ўртасида Рустам Казоков ва Нурмухаммад Эминов голибликни қўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасида Мохларой Абдуллаева, Маржона Аҳмадҷонова, Умида Бузрукова, Замира Мамасанидова, Нигора Азимова, Диёра Турпובה ва Барно Мирзаева шохсуғага кўтарилди.

Шунингдек, Ҳиндистон, Тожикистон ва Қирғизистон спортчилари ҳам голиб ва совриндорлар қаторидан жой олишди.

Интернет манбалари асосида
И. ЖУМАНОВ тайёрлади.

ЭЪЛОН!

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 23-мактаб томонидан 1990 йилда Шин Дмитрий Нестеровичга берилган №089391 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани «Жар» спорт соғломлаштириш комплекси қошидаги махсус мактаб-интернати томонидан 2008 йилда Ибрагимов Шерзод Маҳмуджон ўғлига берилган О'Р-ШН 0926251 рақамли шаҳадатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.